Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 119 (7. 208) ◎ 1990 йил 28 май, душанба ◎ Баҳоси 3 тийин



◎ УСТОЗ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлигини ишлаб чиқариш бирлашмасининг мураббийси, илғор ишчи ва фаол жамоатчи Ўрол Шербоев.

М. Нуриддинов сурати.

ҒАФЛАТДА ҚОЛМАСЛИК УЧУН

Илгари хабар берилганидек, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков СССР Олий Советининг сессиясида «Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва бошқарилади ган бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва шу билан боғлиқ қийинчиликлар самарали ва оператив ҳимоя чораларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда шу ҳақда гап борди. Унда СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, жумҳурият ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи доимий комиссияларининг раислари, министрликлар ва идораларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашдилар. Ўзбекистон ССР Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов кенгашда нутқ сўзлади.

Ушбу кенгаш материалларини эълон қилиш чоғида муаммоларнинг ҳар бир регион, жумҳурият учун, ҳар бир шаҳар ва район учун мураккаблигига ва ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратмоқчимиз. Ҳозирги вақтда энг асосий масала шундан иборатки, бозор иқтисодиётига ўтиш ва у билан боғлиқ бўлган жараёнлар, аввало, бозор иқтисодиётига ўтишнинг бозорга, аҳолининг турмуш шароитига, унинг фаровонлигига таъсири ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи органларининг диққат марказида бўлиши керак. Шу сабабли ҳозирги вақтда Марказий Комитет раҳбарияти ва ҳукумат, Олий Советнинг доимий комиссиялари жумҳуриятдаги аҳолининг барча тоифалари манфаатларини ва аввало, аҳолининг қийин шароитда яшаётган қисми (камбағаллар, кўп болали оилалар, ногиронлар, пенсионерлар, студентлар ва катталарнинг қарамоғидагилар)нинг манфаатларини ҳисобга олишни таъминлайдиган, зарарни қоплайдиган ва имтиёз берадиган тадбирларнинг мажмуасини кўзда тутувчи ҳимоя чораларини ишлаб чиқмоқдалар.

Кенгашда ана шундай чора-тадбирларни ишлаб чиқмай туриб ва уларни халқ билан, жумҳурият, вилоятлар, шаҳарлар, районлар фаоллари билан муҳокама қилмай туриб, тушаётган таклифларни ҳисобга олмай туриб, Ўзбекистон шароитида бозор иқтисодиётига ўтишни ҳал қилиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди. Ҳозирги вақтда энг муҳими—вазиятга йўл қўймаслик, бу масаланг жиддий ва чуқур ўрганишдан, уни муҳокама қилишда одамлар қаерда ишлашларидан ва касбларига қарамай, мумкин қадар кўпроқ иштирок этадиган қилишдан иборат. Бу вазифа сайлаб қўйиладиган барча идоралар ва ўзларига депутатлик мандатини ишониб топширган кишиларининг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган барча босқичдаги депутатларнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Кенгашда бозор муносабатларига ўтиш жўн бўлмаслиги таъкидланди. Ҳар бир жумҳуриятда, вилоятда фақат ўзига хос бўлган муаммолар мавжуд. Шунинг учун ҳам «ўртача» деб аталган кўрсаткичлар Ўзбекистон учун тўғри келмайди. Масалан, бир регионда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 70 килограмм бўлса, бошқасида — 30 килограмм. Аҳолини касалхоналар, мактабгача тарбия болалар муассасалари билан таъминлашда ҳам аҳвол шундай. Ёки бўлмаса ишсизликни олиб кўрайлик: Фарғона водийсидаги кўрсаткич бошқа-ю, Қашқадарё областидаги кўрсаткич бутунлай бошқача. Ҳар бир рақам ортида аниқ одамлар туришини унутмаслик керак. Жумҳурият раҳбарияти ўтиш даври учун ишлаб чиқаётган ҳимоя чораларининг моҳияти ҳам худди шунда.

Илгари жумҳуриятимиз кўпинча турли тажрибаларнинг ўзига хос «гарови» бўлиб қолганлиги айтиб ўтилди. Машъум «етиб оламиз ва ўзиб кетамиз» шиори дастлаб Ўзбекистонда қўллаб-қувватланди, иқтисодиётнинг қандайдир янги шаклига ўтишни ҳам жумҳуриятда сўзсиз маъқуллашаверди.

Ички иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ҳам биз биринчилар қаторида бордик. Яъни Иттифоқ кабинетларида қандайдир қарор қабул қилинса, Ўзбекистонда бунга эътироз билдиришмайди, у ердаги халқ итоаткор, дейишар эди. Тўғрироғи,

(Давоми иккинчи бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Куйбишев районининг янгиликлари



Деҳқон мададкорлари

◎ СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси азиз деҳқонларимиз оғирини енгил қилиб, кўплаб замонавий тракторлар ишлаб чиқармоқда. Бу тракторлар ёрдамида дала меҳнаткашлари юмушларни тезда адо этиш шарафига мушарраф бўлишмоқда. Жамоа бундан ташқари ўндан ортиқ халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаб, аҳолига манзур этмоқда.

Шу йилнинг тўрт ойи ичида 78 миллион 944 минг сўм маҳсулот тайёрлаган А. Личенко, В. Пиванов, А. Бебар каби ўнлаб илғорлари билан ҳақли равишда фахрланишмоқда. Бу азаматлар барча кўрсаткичлар бўйича ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

БУГУН бирлашманинг 80 ўринли «Чотқол» ва 150 ўринли дам олиш оромгоҳларида ёзги мавсум бошланди. Ишчи ва хизматчилар ҳар шанба ва якшанба кунлари ана шу дам олиш уйларида оилавий ҳордиқ чиқариб қайтадилар. Ҳадемай, ишчиларнинг фарзандлари ҳам Чимён тоғи ён бағрида жойлашган пионер лагерида дам олиш мавсумини бошлаб юборишади.

Хорижий мамлакатларга

◎ Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари бугунги кунда жаҳоннинг 24 мамлакатига юборилмоқда. Бирлашманинг уч цехи фақат ана шу мамлакатларга маҳсулот тайёрлаб бермоқда.

БУГУН Покистон, Ироқ, Эрон, Нигерия, Жазоир, Хитой каби мамлакатлардан буюртма олинди. Ана шу буюртмалар ҳадемай хорижга юборилади. Бу маҳсулотларни ҳам бирлашманинг учта цехи тайёрлайди. Ана шу цехнинг аҳил жамоаси биринчи квартал планини 101 фоиз адо этиб, хорижий мамлакатлардан олган буюртмаларининг ҳаммасини ўз вақтида тайёрлашга эришди.

Улуғбекда мактаб

◎ Шаҳримизнинг энг сўлим масканларидан бирига жойлашган Улуғбек шаҳарчаси чирой очиб бормоқда. Бу ерда маиший ва савдо шохобчалари билан бирга мактаб ва боғча қурилишига ҳам катта эътибор берилмоқда.

БУГУН бу ерда шаҳримизда ягона ҳисобланган, янги лойиҳадаги 960 ўқувчига мўжалланган тўрт қаватли мактаб биноси қуриб битказилди. Бу ерда ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бу билан райондаги мактаблар сони 36 тага етди. Янги қурилган мактаб 1 сентябрда ўқувчилар ихтиёрига топширилади.

Ана шу мактаб ёнида 280 ўринли боғча қурилиши ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Йил охирига қадар генерал Петров кўчасида ҳам яна бир боғча фойдаланишга топширилади.

«Тошкент»га марҳамат

◎ Районда йил бошидан бери тўққизта умумий овқатланиш корхонаси фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда ана шу замонавий ошхона ва қаҳвахоналар 560 ўриндан иборат. Йил охирига қадар яна 1480 ўринли ўн олтита янги ошхона ва қаҳвахона фойдаланишга топширилади ва таъмирланади.

БУГУН Тельман номли маданият ва истироҳат боғи ёнидаги «Тошкент» қаҳвахонаси таъмирланиб унинг ёнида ёзги қаҳвахона очилди. Бу ерда 80 ўринли зиёфат зали, 120 ўринли ёзги ва қишки бўлимлар иш бошлади. Ҳўрандалар ошпазлар томонидан тайёрланган Европа ва миллий таомлардан тановул қилишлари мумкин.

Умумий овқатланиш бошқармаси райондаги ўнта маҳаллага жойлашган чойхонани ҳам ўз оталигига олиб у ерда аҳоли учун барча қулайликларни яратадиган бўлди.

Р. НУРИЛЛАЕВ.

Қурилмага баҳо

◎ МОСКВАДАГИ Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилашга доир илмий-ишлаб чиқариш янгиликлари ҳам намойиш қилинмоқда. Тозалаш тармоқлари иншоотларидан унумли фойдаланишга қаратилган қурилмалар ҳам энг яхши экспонатлар сифатида томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Серқуёш Ўзбекистонда тайёрланган бу хил қурилма намунаси ҳам ижобий баҳо олди. У мамлакатимиз бош кўргазмасининг кумуш нишонига сазовор бўлди.

Гап шундаки, Тошкентдаги «Узводоканал» ишлаб чиқариш бирлашмаси тозалаш тармоқлари иншоотларидан мақсадга мувофиқ тарзда сифатли фойдаланиш тадбирларини кўрган эди. Шу жараёнда махсус қурилма яратиш ғояси илгари сурилди. Бу соҳада Эстониядаги «Дезинтегратор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан бамаслаҳат иш тутилди. Бошланган иш кутилган натижани берди.

Бундан кейин ҳам ҳар икки бирлашма мутахассислари илмий-ижодий ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Т. АБДУЖАББОРОВ.

Пионер ёзи тараддуди

◎ ҲАДЕМАЙ умумтаълим мактабларида ўқишлар тугаб, ўқувчиларнинг ёзги таътиллари бошланади. Шаҳримиз ўқувчи ёшларининг пионер ёзи қандай ўтади?

Худди шу масала яқинда атрофлича муҳокама қилинди. Островский номли шаҳар пионер ва ўқувчилар саройида бўлиб ўтган семинарда пионер лагерлари бошлиқлари ва катта вожатийлари сўзга чиқиб, орттирган ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Ўтган йили йўл қўйилган қатор камчиликлар бу сафар такрорланмаслиги тадбирлари ҳақида фикрлар билдирилди.

Йиғилишда пионер ёзини яхши ўтказиш билан боғлиқ методик маслаҳатлар ҳам берилди. Шу билан бирга болаларимиз маданий дам олишларига қаратилган ишланмалар кўриб чиқилди. Шаҳримиздаги болалар театрларининг ёз мавсуми репертуар режалари ҳақида ҳам фикр юритилди.

М. ҚОДИРОВА.

«Фазо»га келинг

◎ ҲАМЗА районидаги умумий овқатланиш корхонасида йил бошидан бери музқаймоқлар билан савдо қиладиган тўртта — ҳар бири 20 ўринли қаҳвахона ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади. Бундан ташқари В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бекатида «Бир зумда» умумий овқатланиш корхонаси фойдаланишга топширилди. Яқинда райондаги «Фазо» қаҳвахонаси қайта таъмирланиб, хўрандалар хизматига топширилди. Ҳозир у ерда 120 ўринли қаҳвахона ўрнида 300 ўринли умумий овқатланиш корхонаси ишга тушди. Эрталаб соат 9 дан кеч соат 10 гача қаҳвахонада район маданият уйининг «Парвоз» ансамбли хизмат кўрсатмоқда. Бу ердаги янги мебеллар, қандиллар ва қулайликлар хўрандаларни мамнун этмоқда.

Районда йил охирига қадар яна бир 120 ўринли қаҳвахона ишга туширилади. Бу «Ғалаба»нинг 40 йиллиги» даҳасида бунёд этилмоқда. Бундан ташқари «Роҳат» дам олиш зонасида 40 ўринли чучварахона ишга тушади.

БУГУН «Бахт» дам олиш зонасидаги умумий овқатланиш корхонаси қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. 200 ўринли бу қаҳвахонада энди корейс миллий таомлари тайёрланади.

А. РАҲМАТОВ.

«Бу шундай ажойиб сафарки...»



◎ УЗБЕКИСТОНГА ташриф буюрган делегация аъзоларининг дил сўзларини ифодалаган «Япония—СССР» жамияти Фукусима префектураси бўлимининг масъул котиби жаноб Сисидо Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида бўлиб ўтган учрашувдан сўнг ана шундай деб изҳор этди.

Икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши муҳимлигини таъкидлаб, у бу ерда Японияндан ташриф буюрган гуруҳни кутиб олиш чоғида уларга кўрсатилган эътиборни юксак баҳолади. Маълумки, жамият бўлинмаси ташкил этилган кундан эътиборан ҳар йили бу ерга ана шундай гуруҳлар ташриф буюради. Бу бўлим 1975 йилда ташкил этилган эди. Шу йилда у ўзининг ўн беш йиллик юбилейини нишонламоқда.

Фукусима префектурасидан ташриф буюрган махсус гуруҳ ичида 41 киши бор.

— Ана шу кишиларнинг ҳар бири, — деб таъкидлади ушбу учрашувда жамият бўлимининг раиси Т. Окада хоним, — тошкентликларга кўрсатган эътиборлари учун, Волгоград кўчасидаги «Яккасарой» қабристонида япон қарбий асирлари дафн этилган жойдаги ёдгорлик учун чин дилдан ташаккур изҳор этмоқдалар. 50 мингга яқин япон Ипак йўли маркази — Тошкентдан ўз уйларига қайтиб бора олмаганларнинг хотирасини бажо келтириш борасидаги ушбу ҳаракатга фаол қатнашди. Ана шу боисдан ҳам ҳар биримизни бу ердаги эътибор ва тошкентликларнинг кўрсатган куч-ғайратлари мамнун этди.

Учрашувда амалий ҳамда маданий соҳалардаги алоқаларни бундан бўён ҳам янада мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳақида гапирилди. Фукусима ва Тошкент шаҳарларининг биродарлашуви тўғрисида хоҳиш изҳор этилди.

Меҳмонлар Тошкентда бўлганликларидан хотира сифатида бойлик ва гуллаб-яшнашни ўзида рамзий акс эттирган совғани топширдилар. Бундан ташқари яна улар шаҳримизга бир марта фойдаланиладиган ўн минг дона шприцни ҳам ҳадя этдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Ҳ. М. Абдураимов, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг раиси С. У. Султонова иштирок этдилар.

СУРАТДА: учрашув пайти. Р. Шарипов сурати.

Суратли репортаж

«Эшиклар ёпилади...»

◎ ТОШКЕНТ метроси. Ҳамшаҳарларимиз шу йил ноябрь ойида унинг фойдаланишга топширилганлигининг ўн уч йиллигини нишонлашади. Ер ости қасрининг навбатдаги станцияларини Улуғ Октябрь шодиёнаси айёмларида фойдаланишга топшириш яхши анъана бўлиб қолди. Метрочилар бу сафар ҳам ана шу анъаналарига содиқ қолиб 7 ноябрь кунида Ўзбекистон тармоғининг «Тинчлик» ва «Беруний» станцияларини ишга туширишга аҳд қилиб, меҳнат қилишмоқда. Бу станцияларни фойдаланишга топширилгач Тошкент тиббиёт институти ишчи, хизматчилари, Шифокорлар шаҳарчасида истиқомат қилувчилар ва «Юбилей» спорт саройи ҳудудларидан шаҳар марказига келувчи ҳамшаҳарларимиз учун яна бир қулайлик яратилади.

— Навбатдаги икки станциянинг ишга туширилиши туфайли метрополитен йўли 3,6 километрга узаяди, — дейди метрочи К. Ғофуров. — Ер ости йўлининг масофаси эса 31 километрга етади.

Бугунги кунда бу ҳар иккала станция қурилишида пардозлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ҳозир «Тошметрострой» бўлинмалари билан бир қаторда «Союзметроспецстрой» ташкилотининг мутахассислари ҳам бу ерда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Лойиҳада белгиланганидек «Тинчлик» ва «Беруний» станциялари Ўзбекистон тармоғидаги ўтган йили ишга туширилган «Навоий», «Ғафур Ғулом» ва «Чорсу» станцияларидан бутунлай фарқ қилади. Бу янги станцияларнинг ички безаги ўзгача бўлиб устунларига миллий нақшлар туширилади. Деворларидаги ёзувларда ва безакларда бошқа бекатларга нисбатан шарқона услуб акс этиб туради. Бундан ташқари йўловчиларга янада қулайлик туғдириш мақсадида «Тинчлик» станциясига тушиш йўллари Беруний кўчасидан ўтувчи ер ости йўли билан туташтирилади.

Биз «Беруний» бекатида троллейбусдан икки қўлида сетка кўтариб тушган аёл билан суҳбатда бўлдик.

— Олти ой ҳам ғир ўтиб кетади. Метро хизмати ишга тушгач Октябрь колхоз бозорига тушиб, рўзғор учун керакли бўлган маҳсулотларни харид қилиб чиқаверамиз, — дейди кўн-атторлик ва спорт буюмлари бирлашмасининг ишчиси М. Қодирова.

— Метро ишга тушгач шаҳарнинг бу чеккасига 20-25 минутда бориш мумкин бўлади, — дейди суҳбатимизга қўшилиб нуроний отахон М. Аюпов. — Машинада эса шунча масофага бориш учун камида бир соат вақтинг кетади. Ахир йўловчиларга бундан ҳам ортиқ ғамхўрлик бўладими?

Оқшомхонларимизни яна бир янгиликдан хабардор қилмоқчимиз. Ҳозир метрополитеннинг Юнусобод тармоғи бўйлаб ҳам ер ости қасри станцияларини қуриш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бугунги кунда Лоҳутий кўчаси ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ҳудудларида ер қазиш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳримиздаги энг йирик даҳа аҳолиси ҳам ҳадемай метро хизматидан фойдаланади.

Тошкент метроси истиқбол сари одимламоқда. Ҳар бир янги станция қурувчилар ва лойиҳачиларнинг янги кашфиёти, ютуқларимизнинг янги уфқлари ҳамшаҳарларимизга туҳфадир. «Эшиклар ёпилади, кейинги станция Юнусобод» дейдиган кунлар узоқ эмас.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

◎ СУРАТЛАРДА: Тошкент метро қурилиши трести 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг «Тинчлик» станциясида меҳнат қилаётган энг яхши бульдозерчиси О. Якубов; станция қурилишида иш қизғин.

Т. Каримов суратлари.



Об-ҳаво ва саломатлик

28 майдан 3 июнгача

Ўзбекистон ССР об-ҳавони кузатиш марказининг берган маълумотларига кўра Ўзбекистонда шу ҳафтанинг биринчи ярмида ҳарорат оқшомлари 14-19, кундуз куилари 27-32 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса ҳарорат муттасил кўтарилиб боради.

Ҳафта мобайнида ўртача ҳарорат нормага яқин бўлади, баъзи кунлари бирмунча юқори бўлади.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институтининг медицина об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш марказии мутахассисларининг фикрига кўра ҳафтанинг кўп гина қисмида кутилаётган ҳарорат ошиши, айниқса кундуз кунлари ҳавода кислороднинг камайиши об-ҳавога таъсирчан беморлар организмида гипоксик хилдаги таъсирларнинг авж олишига олиб келиши мумкин. Об-ҳавонинг бундай ҳолати муттасил кислород етишмовчилиги бўлган беморлар, масалан қон босими, юракнинг ишемик касаллиги, нафас олиш-ўпка системаси касалланган, юрак-қон томирлари касаллиги билан оғриган, айниқса бўшашувчанликка мойил беморлар, саломатлигининг мураккаблашувига сабаб бўлиши мумкин.

Ана шу тоифадаги беморларга бунинг олдини олиш учун хонани тез-тез шамоллатиб туриш, даволовчи врачлар маслаҳати билан нафас олиш машқларини бажариш ва ҳарорати бирмунча пасайтирилган сув билан ҳаво муолажалари, шунингдек юрак-қон томир фаолиятини мўътадиллаштирувчи дори-дармонлар қабул қилишлари лозим.

ҒАФЛАТДА ҚОЛМАСЛИК УЧУН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

халқнинг ўзи эмас, балки жумҳурият раҳбарлари итоаткор эди. Бинобарин, улар юқоридан берилган кўрсатмаларни муддатидан олдин бажариш ёки ошириб бажариш учун ҳамма ишни қилар эдилар. Шу сабабли ҳозирги вақтда жумҳурият иқтисодиётини қайси йўналишда ривожлантириш зарурлигини белгилаб олиш масаласи биринчи даражали аҳамиятга эгадир. 20 миллионлик аҳоли бўлажак ўзгаришларнинг жўшқин оқимида ўзини ночор сезишига йўл қўйиб бўлмайди. Бинобарин, бу ишда ҳар бир киши ва аввало, халқ ишониб ваколат бериб қўйган кишилар унинг манфаатларини ҳимоя қилишда қаттиқ туришлари лозим.

Кенгаш қатнашчиларининг эътибори норасмий ташкилотларга қаратилди. Кўпгина жиҳатлардан уларнинг мақсади расмий ҳокимият мақсадига ўхшашдир, аммо кўпинча суҳбат мутлақо асоссиз равишда гўё бошқа-бошқа тилларда олиб борилмоқда. Жумҳурият раҳбариятининг мақсади нимада? Бу — Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлигини ошириш, жумҳурият иқтисодиётини юксалтириш, унинг обрўсини, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашдир. Агар норасмий ташкилотлар ҳам ана шундай мақсадни ўз олдиларига қўйган бўлса, бу соҳада ўзаро келишиб, биргаликда иш олиб бориш зарур.

Бироқ шуни аниқ билиб олиш керакки, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмай туриб, сиёсий мустақиллик тўғрисида гапириш — хом хаёлликдир. Олдин одамларнинг турмуш даражасини ошириш, миллий даромадни кўпайтириш керак. Энг муҳими — Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан мустақил, ўз ҳудудида яшовчи халқни ҳимоя қилишга ва таъминлашга қодир бўлиши керак. Масалани бошқача ҳал қилиш керак: мустақиллик оғизда эмас, балки амалда бўлиши учун, бу ерда қайта ишланган нарсаларнинг ҳаммаси жумҳуриятнинг ўзида қолиши учун, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, халқ хўжалиги йўналиши ва структурасини ўзгартириш, халқаро алоқаларга ўтиш, корхоналарни замонавий техника ва илғор технология билан жиҳозлаш учун бозор иқтисодиёти чоғида Ўзбекистон барча моллар, аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишига кафолат берилиши керак.

Нотиқ пахтачилик муаммоларига батафсил тўхталиб ўтди. Маълумки, ҳукумат программасида нархларни тартибга солиб туриш масалаларини ҳал қилиш кўзда тутилган. Хусусан, пахта хом ашёси нархини 46 фоиз ошириш режалаштирилган. Бир тонна пахтанинг нархи оширилиб, 1539 сўмгача етказилиши режалаштирилмоқда. Бир қарашда бу яхшидек туюлади. Лекин, айни вақтда, ёқилғи, металл, бинокорлик материаллари нархини тағин ҳам ошириш кўзда тутилмоқда. Хуллас, аслини олганда, бу соҳада аҳвол яхшилик сари ўзгармайди. Шу боисдан жумҳурият ҳукумати пахта толаси учун белгилаш кўзда тутилаётган нархни қайта кўриб чиқиш ва энг муҳими, фақат пахта учун эмас, шу билан бирга халқаро бозорда талаб катта бўлган бошқа энг муҳим маҳсулот турлари учун давлат буюртмаси даражасини кескин камайтириш тўғрисидаги масалани СССР Министрлар Совети олдига қўйди.

Пахта экиладиган майдонларни тағин ҳам камайтириб, фақат қишлоқ аҳолисига эмас, шу билан бирга шаҳар аҳолисига ҳам ер участкалари ажратиш режаларини охиригача бажариш керак.

Лекин яна бир масала туғилади. Суверенитет, иқтисодий мустақиллик ҳаракат эркинлигини назарда тутади, лекин одатда, жумҳуриятда пахтанинг қанчаси чет элдаги қайси мамлакатга юборилаётганини аниқ билмайдилар.

Шу билан бирга, ҳар бир вилоят пахта учун чет эл валютаси олиб, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга доир ўткир масалалар ҳал қилинмаган бир пайтда шу валюта ҳисобидан енгил автомашиналар, видеотехника, телефакслар сотиб олишига йўл қўйиш мумкин эмас. Бу масалада ҳукуматнинг фикри бир хил: жумҳуриятда пахта тозалаш саноати ва енгил саноат ходимлари билан Иттифоқдаги, шунингдек, чет эллардаги шериклар ўртасида воситачилик қиладиган Ўзбекистон енгил саноат — хом ашё ташкилотини тузиш зарур. Бу ташкилот ҳар бир пахта тозалаш заводи билан шартнома тузади. Пахтани қимматроқ сотиш учун бозорни, пахтага бўлган талабни пухта ўрганиш лозим.

Нотиқ Ўзбекистонда ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа комитетини тузиш зарурлигини айтди. Бу комитет четдан маҳсулот сотиб олиш ва четга маҳсулот сотиш масалалари билан шуғулланади. Жумҳурият валюта жамғармасини тузиш зарур, деб эътироф этилди.

Бошқа муҳим масала — чет эллик шерикларни нималар қизиқтиришидир. Ўзбекистон жаҳон бозорига пахтадан ташқари пилла, ипак, қоракўл тери чиқариши мумкин. Таиланд, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия ва бошқа мамлакатларнинг намунаси оқилона хўжалик юритиш чоғида иқтисодий юксалишга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этиш, ҳамкорликнинг бошқа самарали йўлларини қидириш керак.

И. А. Каримов жумҳурият бюджетига алоҳида эътибор берди. Жумҳурият бюджетидаги камомад уч миллиард сўмни ташкил этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида биринчи навбатда даромади ўртача турмуш даражаси учун зарур миқдордан кам бўлган кишилар тоифаси танг аҳволга тушиб қолади. Жумҳуриятда 9 миллион киши ана шундай тоифага киради. Булар — ногиронлар, пенсионерлар, талабалар, техникумларнинг ўқувчиларидир. Бунинг устига Ўзбекистонда пенсионер мамлакатдаги ўртача даражадан 10 сўм кам олади. Нархларнинг оширилиши натижасида келиб чиқадиган тафовутни қандай қоплаш ҳозирча ҳал қилинмаган. Иттифоқ идораларининг қарорларига кўра, бу пул ҳар қандай ҳисоблаганда ҳам энг кам миқдорда бўлади. Уни жумҳуриятлар мустақил равишда оширишлари мумкин. Аммо нималар ҳисобига оширилади?

Шунинг учун ҳам фақат жумҳурият бюджетларинигина эмас, маҳаллий бюджетларни ҳам мавжуд номутаносиблик ва камомаддан холи қилиш ўтиш давридаги энг асосий масаладир. Ҳозирги вақтда бюджетнинг мутаносиб бўлиши — ижтимоий, маиший масалаларни ҳал қилишнинг, аҳолига ёрдам беришнинг асосий шартидир.

Ўзбекистон ССР Президенти ишсизлик муаммосига муфассал тўхталди. У кимларни ишсиз деб эътироф этиш лозимлигини шу вақтгача аниқ белгилаб бермаган иқтисодчиларга, Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетига, бошқа идораларга асосли таъналар айтди. Бунинг оқибатида рақамлар турлича бўлмоқда, бу эса ана шу тоифадаги одамларга ёрдам беришнинг пухта ўйланган ижтимоий. режаларини тузишни жиддий равишда қийинлаштиради. Нотиқ қийин ва олижаноб иш — ёш авлодни тарбиялаш билан шуғулланаётган кўп болали оналар ҳам нархлар ортишидан келадиган зарарни қоплаш учун пул олишлари лозимлигини таъкидлаб ўтди. Улар қишлоқ жойларда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилишлари мумкин, деган фикр айтилди, масалан, улар хонадонлардаги 15—20 кишилик болалар боғчаларида ишлашлари мумкин. Ўзбекистонда Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети билан Ижтимоий таъминот министрлиги бирлаштирилиб, катта хатога йўл қўйилган эди. Ҳозир ана шу хато тузатилди. Эндиликда, энг муҳим масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланадиган идоралар аниқ белгилаб қўйилган пайтда ким ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳамда давлат ёрдамига муҳтож бўлган барча тоифадаги пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилишни белгилаб қўядиган вақт келди.

Нотиқ жумҳуриятда ишлаб чиқилаётган Ер ва Мулкчилик тўғрисидаги қонунга кўп эътибор берди. Ўзбекистондаги ўзига хос жиҳат шундаки, бу ерда аҳоли тез кўпайиб бормоқда, ер эса етишмайди. У бир мисол келтирди: бир йил ичида Самарқанд вилоятидаги Ургут районидан жумҳуриятнинг турли идораларига 700 киши келди. Баъзан 40—60 гектар ерни икки колхоз ўзаро келишиб, тақсимлаб ололмаётганлиги туфайли муаммолар вужудга келмоқда. Бу мисол жуда характерлидир. Нималарни давлат мулки, қайсиларини колхоз мулки, ҳатто шахсий мулк деб ҳисоблашни белгилаб қўядиган пайт келди. Бу соҳада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, жумҳурият Олий Совети доимий комиссияларининг аъзолари яхши иш олиб боришлари лозим. Уларга ҳар ишда ёрдам ва мадад бериш керак.

Майда корхоналарни, биринчи навбатда аҳолига хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқлардаги (савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ва бошқа тармоқлардаги) корхоналарни сотиб олиб, уларни шахсий мулкка айлантириб сақлашни хоҳлаган кишиларга йўл очиб бериш керак. Айтайлик, корхона қийматининг (масалан, аҳоли учун товарлар ишлаб чиқарадиган корхона қийматининг 60—70 фоизини давлат мулки сифатида сақлаб қолиб, қолган қисмини акция шаклида шу корхонада ишлайдиган одамларга сотиш, улар учун улушларига кўра имтиёзли ставка белгилаш каби масалани ҳам ўйлаб кўриш керак. Қисқаси омилкорлик билан меҳнат қилиб, пул ишлаб топишни (бундан чўчимаслик керак) ҳоҳлаган кишиларнинг ташаббусига кенг йўл очиб бериш керак. Бу соҳада энг муҳими ҳаром йўллар билан пул орттирган айрим одамлар бундай корхоналар акцияларини сотиб олиб, шу ҳисобдан яшашларига йўл қўймаслик керак.

Янгиланган совет федерацияси доирасида жумҳуриятлар мустақиллигини кенгайтириш, уларнинг иқтисодий мустақиллиги кимгадир энг қулай шароит яратиб берилишига, бошқаларнинг эса ноқулай шароитга тушиб қолишига олиб бормаслиги лозим. «Тенглар орасида тенг» деган принципга риоя қилиниши зарур. Ўша Болтиқбўйи жумҳуриятларига энг қулай, алоҳида режим яратиб берилганлигини нормал ҳол деб бўладими? Корхона ва ташкилотлар территориал мансублигини ҳисобга олмай, бозор эҳтиёжлари учун ишлашларига йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳам худди шундан келиб чиқади.

Ҳозир Ўзбекистонда халқ хўжалигининг структураси шундайки, ҳар бир корхона технологиядаги изчилликни, энг муҳими эса, территориал манфаатларни ҳисобга олмай, маҳсулотини шу ернинг ўзида қайта ишлаш мумкинлигига қарамай, жумҳуриятдан ташқарига жўнатаверади. Капролактам, нитрон ва бошқа кўп маҳсулотлар шундай қилинмоқда.

Бутун халқ хўжалигини хом ашё етиштирувчи тармоқдан мустақилликка тубдан ўтказиш масаласи кўпдан буён кўндаланг бўлиб турибди. Халқ хўжалиги саноат жиҳатидан ривожланган бўлиши, бу комплекс тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши, корхоналар бюджети ва жумҳурият миллий даромади учун даромад манбаи бўлиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон ҳудудида чет элларнинг илғор технологияларини қўлланиб, фан билан боғлиқ корхоналар барпо этиш тўғрисида ўйлаш даркор. Ўзбекистон учун нималарни ишлаб чиқариш фойдалигу, нималар ишлаб чиқариш фойда бермаслигини ғоят эътибор билан ўрганиш керак. Саноат хом ашё йўналишида бўлганлиги учун ундан жумҳурият хазинасига жуда кам пул тушади. Чунки, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналаргина оборот солиғи тўлайди. Шунинг учун ҳам ип газлама ва тўқимачилик саноати рентабелли эмас. Пахта тозалаш саноати уч миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса ҳам, амалда бюджетга ҳеч нарса бермайди.

Жумҳуриятни янги иқтисодий марраларга олиб чиқиш учун билимдон кадрлар зарур. Саноатимизнинг йўналиши шу қадар тор бўлса, бундай кадрлар қаердан келсин? Тошкентдаги 170 минг нафар ишчидан атиги салкам 7 минг нафари юқори малакалидир, буни нормал ҳол деб бўлмайди. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун ёшларни мамлакатнинг етакчи корхоналарига ва чет элларга иш ўрганиш учун жўнатиш керак. Бунинг учун бюджет ва валюта маблағи зарур. Аввало, маҳаллий аҳоли орасидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни жадаллаштириш лозим.

Бу режалар жумҳурият аҳолисининг кенг тоифалари орасида ишлаб чиқилиши лозимлиги, айниқса, муҳимдир. Уларнинг маслаҳатлари ва манфаатларини ҳисобга олмай туриб, ҳеч қандай қарор қабул қилинмаслиги лозим. Ҳозирги вақтда нархларнинг ошиши режалаштирилмоқда, қандай молларнинг нархи ошади ва бу одамларнинг турмуш даражасига қандай таъсир кўрсатади, деган савол аҳолини кўпроқ ташвишга солиб турибди. Бу ўринда бир гапни айтиш мумкин: халқ муҳокама қилмай туриб, чакана нархлар оширилишига йўл қўйиш мумкин эмас.

И. А. Каримов бозор муносабатларига ўтиш арафасида жумҳуриятнинг иқтисодий аҳволини муфассал таҳлил қилиб берди. У Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишдаги дастлабки шароит Иттифоқ ўртача шароитидан анча орқада эканлигини таъкидлади. Бу аҳволни тенглаштириб олиш учун жумҳуриятга камида 10 миллиард сўм зарур бўлади. Қандайдир Бутуниттифоқ ёрдам жамғармаси тузилиши тушунарлидир, лекин бу ўткир муаммони ҳал қилишга қодир эмас. Ўтиш давридаги имкониятларни мумкин қадар тезроқ бараварлаштириб олиш, етишмаётган маблағни Ўзбекистонга жўнатиш керак. Айни бир вақтда нархлар ҳисобига жумҳурият иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаш лозим. Тайёр маҳсулотни сотиш бозорини кенгайтириш зарур, бундай маҳсулотни сотиш ҳисобидан муқим фойда олиш мумкин бўлади, бу фойда турли ижтимоий режаларни бажариш учун сарфланади. Бозор иқтисодиёти, ўтиш даврида жумҳурият раҳбарияти кўраётган чора-тадбирлар жумҳурият бутун аҳолисининг фаровонлигини оширишга кўмаклашиши лозим, бу чора-тадбирлар бозор иқтисодиёти қарор топиши даврида ҳимоя ролини ўйнаши мумкин. Ҳамма соҳада зўр ғайрат билан меҳнат қилиш — Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир киши учун энг асосий масала бўлиши керак.

Ўзбекистон ССР Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов кенгаш қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари А. И. Икромов, Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, жумҳурият Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ў. Р. Умарбеков, Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгаши раиси Ҳ. Алимова иштирок этдилар. **(ЎзТАГ).**



ВАЪДАГА ВАФО

БУ ЖОНЛИ суҳбатни сураткашимиз Р. Шарипов Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳрлади. Пахта тозалаш машиналарини йиғув цехида бу бригада дуруст натижаларга эришмоқда. Меҳнат ветерани, II ва III даражали Меҳнат шуҳрати орденларининг нишондори Георгий Михайлович Эрик (ўнгда) етакчилик қилаётган бу бригада топшириқларни ҳамиша кўнгилдагидек адо этишга интиляпти. Мазкур суҳбат слесарьйиғувчи Виктор Соколовнинг бу ютуққа қўшаётган ҳиссаси ҳақида бормоқда. Негаки, ҳали бригада олдида катта вазифалар турибди. Буларни бажариш учун бригаданинг ҳар бир аъзоси ташаббускорликни янада ошириши, ўз ички имкониятларини ишга сола билиши керак. Бригадир суҳбатдан қаноат ҳосил қилди: режа аниқ белгилаб олинди. Демак, энди ҳамма гап ваъдага вафо қилишда!

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ПАРТИЯНИНГ ФРАКЦИЯЛАРГА АЖРАЛИБ КЕТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

XXIV Тошкент область партия конференциясининг қатнашчилари мамлакат барча коммунистларини шунга даъват этадилар.

Бу ишни ким қила олади? Ким кўпроқ партия обрўсига ёки бугунги кунда кузатилаётган партия обрўсининг пасайиб кетишига таъсир қила олади? Фақат коммунистларнинг ўзлари. Конференция делегати А. А. Рачинский конференцияда мазкур саволларга ана шундай аниқ ва қатъий жавоб қайтарди. Аслида эса КПССнинг ҳозирги иш аҳволидан норозилик энг аввало жамиятда қайта қуришни бошлаб берган, лекин ўз ичида ислоҳотни қилишга кечикаётган партиянинг ўзида пайдо бўлди. Айнан шунинг учун ҳам конференцияда сўзга чиққан кўпгина кишилар КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури — ҳозирги даврнинг энг муҳим ҳужжати эканлиги, лекин уни икки-уч йил аввал ишлаб чиқиш кераклиги тўғрисида гапирдилар, ўшанда ҳозирги кўпгина ўткир муаммолар кун тартибидан олиб ташланган бўлур эди. Лекин партиянинг бошқа кўпгина программавий ҳужжатларида ҳам ана шундай ҳолат содир бўлди, улар вақтдан орқада қолмоқдалар.

Ана шу вазиятдан эса мамлакатдаги бағоят турли кучлар фойдаланиб, жамиятда сиёсий нифоқ уруғини сочиб, инқилобий қайта қуриш жараёнини охирига етказиш имкониятига эга бўлган ягона кучни — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини бўлиб юборишга уринмоқдалар.

Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов қилган ҳисобот маърузасида ана шу ҳолат акс эттирилган эди. Кўпчилик делегатларнинг нутқларида ҳам бугунги кунда коммунистлар учун муҳим бўлган муаммоларни ана шу тарзда идрок этиш сезилиб турди.

Тўғри, бу нутқлар бир хилда бўлгани йўқ. Баъзи бировлар ўтмишнинг сийқа усулларига таяниб, партия конференцияси хўжалик фаоллари йиғилиши эмаслигини унутиб қўйиб, диққат-эътиборни фақат ишлаб чиқариш муаммоларига қаратишга уринди. Баъзилар эса, аксинча, мамлакатда қайта қуриш аслида нима учун олиб борилаётганини унутиб, назарий мушоҳадаларга берилди, нима ҳам дердик, ҳар бир киши конференция моҳиятини ўзича тушунади.

Аксарият делегатларнинг ҳар қалай ўткир, аммо вазмин, ижобий нутқларида партия бугун на хўжалик, на ижтимоий, на сиёсий муаммоларни ҳал этишдан чекинишга ҳаққи йўқлиги тўғрисидаги фикр аниқравшан сезилиб турди. Коммунистлар ҳозирги кунда жамиятда содир бўлаётган барча ишлар учун жавобгарлик юкини ўз зиммаларига олиб, уларга қанчалик қийин бўлмасин, вазифаларнинг бутун мажмуи билан шуғулланишлари зарур.

Тошкент вилоят партия комитети ҳисобот давридаги ишини ташкил этиб, айни ана шу йўл-йўриқларга амал қилди. Бу иш қандай баҳога сазовор эканлигини конференция делегатларининг ўзлари белгилашлари керак. Шундай қилиб, асосан икки йўналишда мунозара бошланиб кетди. Биринчидан, мамлакатдаги ва КПССдаги ҳозирги вазият тўғрисидаги фикрлар аниқлаб олинди, қайта қуриш ўртага қўйган мақсадга тезроқ эришиш йўллари ва воситалари кўплашиб изланди. Иккинчидан эса — вилоят партия ташкилотининг, унинг сайлаб қўйиладиган органларининг вилоят ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий турмушидаги аҳамияти ва ўрнига баҳо берилди.

Вилоят партия комитети вазиятни таҳлил эта туриб, уни ортиқча мушкуллаштиришга интилмади, зотан ҳозир бошдан кечирилаётган даврнинг барча мураккабликлари эътироф этилди. Албатта, яқиндагина Бўка ва Паркентда содир бўлган ижтимоий ларзалар барча табақалардаги партия комитетлари учун жиддий ва ҳатто даҳшатли бонгга айланди. Маърузада «вилоят, шаҳар ва район партия комитетлари котибларининг ўзларига топширилган иш учун масъулият ҳисси пасайиб кетганлиги» ошкора таъкидлаб ўтилди. Яна бир сабаб: «вилоят партия комитети қабул қилинган амалий, оқилона қарорларни жойларда бажаришда уюшқоқлик кўрсата олмади ва коммунистларни уюштира олмади». Нима ҳам дердик, ўз-ўзини бундай танқид албатта конференция руҳига таъсир этди, илгари гап қайтариш мумкин эмас, деб ҳисобланган баобрў кишиларни юз-хотир қилмай, делегатлар эркин тарзда ўз фикрларини баён этишларига ёрдам берди.

Яна бир мисол, бир неча йил аввал бу нарса «жиноят» деб қабул қилинган бўлар эди. Конференцияда КПСС Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири А. С. Павлов қатнашди. Бунинг устига у Ўзбекистондан СССР халқ депутати қилиб сайланган. Унинг шанига нотиқлар Ўзбекистон манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал этишда фаоллик кўрсатмаганлиги учун кўплаб таъна-дашномлар айтдилар. Конференция минбарига чиқиш пайти келганида эса Александр Сергеевичга осон бўлмади.

Мана залда таҳайюр уйғотган бошқа бир мисол. Вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов район партия комитети биринчи котибларидан бири ҳақида сўзлаб берди, у КПСС Марказий Қўмитаси ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясида ўқийди, меҳнат ва ўқув таътиллари муносабати билан бир йил давомида у ўз районида деярли етти ой бўлмади! Табиийки, у дурустроқ ишламади, бунинг устига амалда партия ташкилоти билан алоқани йўқотиб қўйди. Бу факт конференция қатнашчиларида таҳайюр уйғотди: чунки бу ўртоқни кимдир котибликка тавсия этган, кимдир уни ана шу лавозимга сайлаган. Тавсия этган ким? Албатта вилоят партия қўмитаси тавсия қилган. Шундай экан, вилоят партия ташкилотининг раҳбари ҳозир бу мисолни келтириш билан кимга таъна қилмоқда?

Кўпгина делегатлар баъзи масалаларни ҳал қилишда вилоят партия қўмитасининг сусткашлиги, бўшашувчанлиги ҳақида гапирдилар. Масалан, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ж. Азизхўжаев вилоят комитети ўзбек тилида шаҳар газетасини ташкил этишга ёрдам бермаётганлигидан нолиди. Халқ таълими вилоят бўлимининг мудири Ш. Жалилов гражданларни тарбиялаш бошланадиган мактаб эҳтиёжларига эътибор берилмаётгани ҳақида, бу ишда вилоят қўмитаси четдан кузатувчи мавқеида турганлиги тўғрисида гапирди.

Бундай мавқеда туриш айниқса ижтимоий-иқтисодий соҳада хавфлидир. Кези келганда айтиш керакки, вилоят комитети ходимлари, унинг сайлаб қўйиладиган фаоллари бундай хавфни сезмоқдалар. Ҳисобот маърузасида «Интенсивлаш-90» режаларини амалга оширишда олға томон жиддий силжиш таъминланмаганлиги ачиниш билан таъкидланди. Машина-ускуналар қувватидан тўла фойдаланилмаётганлиги, хўжалик ҳисобига тезроқ ўтиш ҳақидаги гаплар йилдан-йилга, бир конференциядан иккинчисига ўтиб келмоқда. Аммо Тошкентда ҳам ҳозир 177 та саноат корхонасидан атиги саккизтаси хўжалик юритишнинг иккинчи модели асосида ишламоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир баъзи чора-тадбирлар кўрилди. Шунга қарамай, вилоят комитети, унинг деҳқончилик комиссияси коммунистларни белгиланган режаларнинг асосий йўналишларини амалга оширишга сафарбар эта олмадилар. Вилоят партия ташкилоти, унинг раҳбар органи ишидаги бундай нуқсонлардан конференцияда жуда кўп мисоллар келтирилди.

Деярли ҳар бир делегатнинг нутқи «Ҳозир совет жамияти ва КПСС қийин даврни бошидан кечирмоқда...» деган сўзлардан бошланди. Бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Аммо уни қайд этишдан ташқари юз берган вазиятдан чиқишга доир амалий таклифлар ҳам зарур. Кўпгина делегатлар ана шундай таклифларни айтдилар. Бу таклифларнинг ҳаммаси ҳам кенг миқёсли эмасдир, балки. Лекин қандайдир тафсилотлар ҳам муҳим, чунки партия стратегия режаларини ишлаб чиқиш чоғида ўз аъзоларининг фикрини тўлароқ ҳисобга олиш учун улар билан маслаҳатлашмоқда. Фақат коммунистлар билан маслаҳатлашаётгани йўқ: ҳозирги ҳисобот-сайлов кампанияси давомида 53 мингдан ортиқ партиясиз кишилар партия йиғилишларида қатнашдилар, улар маърузалар муҳокамасида фаол қатнашиб, ўз таклифлари ва мулоҳазаларини айтдилар. Ҳаммаси бўлиб, КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларига минглаб қўшимчалар ва аниқликлар киритилди.

Агар ана шуларнинг ҳаммаси умумлаштириладиган бўлса, вилоят коммунистларининг бундай фикри намоён бўлади: бу салмоқли ҳужжатларни пухтароқ ишлаб чиқиш зарур. Партиянинг синфий характери, партия фаолиятининг пировард мақсадлари, КПСС ва иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг мамлакат турмушидаги ўз етакчилик мавқеи учун курашиш ва уни ҳимоя қилиш муддаоси бу ҳужжатларда аниқроқ акс этиши керак. Демократик централизм қоидасини сақлаб қолиб, унинг ҳар икки таркибий қисмини бир-бирига энг мақбул равишда қўшиб олиб бориш зарур. Унинг биринчи қисми — демократизмни кучайтириш уставга партия аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида қўшимча бўлимни киритишга имкон беради, бу бўлимни «партиявий ўртоқлик тўғрисида» деб аташ мумкин бўлур эди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов билан делегатлар ўртасида бўлиб ўтган мулоқот коммунистларнинг ўзаро бундай янгиланган муносабатларининг дастлабки кўриниши бўлиб хизмат қилиши мумкин. Унга нутқларда ҳам, ёзма равишда ҳам энг ўткир, энг долзарб саволлар берилди. Бу саволларнинг ҳар бирига у ҳеч нарсани яширмай, батафсил жавоб қайтарди. Бозор иқтисодиётига ўтиш, коммунистлар фавқулодда вазиятларда ўзларини қандай тутишлари, юз бераётган жараёнларга Президентнинг шахсий муносабати — ана шулар ҳақида очиқ-ойдин ва ҳалол гаплашиб олинди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов ҳам сўзга чиқди.

Конференция делегатларининг илтимосига кўра, уларнинг саволларига КПСС Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири А. С. Павлов, СССР Молия министри В. С. Павлов жавоб қайтардилар.

Конференция делегатлари вилоят партия комитетининг ҳисобот давридаги ишини қониқарли, деб баҳоладилар.

Конференцияда вилоят партия ташкилотининг раҳбар органлари сайланди.

С. Мамарасулов тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

В. Г. Гришчук вилоят партия комитетининг иккинчи котиби, ташкилий-партиявий ва ҳуқуқий ишлар бўлимининг мудири этиб сайланди.

Ш. Н. Маҳмудова котиб — мафкура бўлимининг мудири, В. Г. Гордиенко котиб — ижтимоий-иқтисодий бўлим мудири, Ш. А. Дадабоев котиб — деҳқончилик бўлимининг мудири этиб сайландилар.

Назорат-тафтиш комиссиясининг биринчи мажлисида И. И. Федоринов комиссия раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатлар ҳам сайланди. Марказий ва жумҳурият партия органлари таркибига Тошкент вилоят партия ташкилотидан номзодлар тавсия қилинди.

XXIV Тошкент вилоят партия конференцияси ишида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиблари Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Г. Т. Сташкевич иштирок этдилар.

Конференция ўз ишини тамомлади.

В. ГЛАДИЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ

⊙ Ўзбек мусиқа санъати тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Ота-боболаримиз қадимдан ажойиб куйлар басталаганлар. Танбур, дутор, най, ғижжак ва доирани моҳирона чалганлар. Умуман бой санъатимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугунги кунда ҳам бастакорларимиз инсон қалбига ҳамоҳанг мусиқаларни яратмоқдалар, маънавий бойлигимизга бойлик қўшяптилар. Қатор ижодкорлар ўзбек миллий мусиқасини ривожлантириш йўлида изланяптилар. Дарҳақиқат, олдинда қилинадиган ишлар кўп. Бу ҳақда сўнгги пайтларда бўлиб ўтган жумҳуриятимиз бастакорлари анжуманларида ҳам гапирилди. Бу ҳам ўзига хос ҳисобот бўлди. Хўш, эндиликдаги асосий вазифалар нималардан иборат! Жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг раиси Аҳмад Жабборов билан учрашиб шу хусусда суҳбатлашди.

— Аҳмад ака, аввало Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси фаолияти ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

—Уюшмамиз ташкил этилганига ҳам 52 йил бўлиб қолибди. Икки йил бурун 50 йиллик тўйини кенг нишонладик. Шу йиллар мобайнида кўплаб истеъдодли бастакорлар етишиб чиқди. Айниқса, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Имомжон Икромов, Фахриддин Содиқов, Наби Ҳасанов, Комилжон Жабборов, Пўлатжон Раҳимов каби бастакорлар кўп ишлар қилишди. Мусиқа санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Толибжон Содиқов, Манас Левиев, Дони Зокиров, Ҳамид Раҳимов, Рашид Ҳамроев, Фаттоҳ Назаров, Ғофир Қодиров сингари ижодкорларимиз нафақат Иттифоқимизда, ҳатто чет элларда шуҳрат қозондилар.

— Ҳозирги пайтда мусиқий театрларнинг ишини қайта қуриш ҳақида кўп гап бўлаяпти. Саҳна асарлари учун ёзилаётган мусиқалар тубдан миллийлаштиришга муҳтож. Шу масалаларни ҳал этишда уюшмада қандай ишлар амалга оширилмоқда!

— Мусиқа санъатининг ривожланишига назар ташласак турли тармоқларга бўлинганини кўрамиз. Мисол учун, мусиқада халқ мероси бор. У ҳам ўз йўналишига эга. Улардан ташқари Тошкент, Фарғона, Хоразм мақомлари бор.

Ўша биз турғунлик даври деб атаган йилларда мусиқада ҳам миллийликдан чекиниш каби салбий ҳодисалар рўй берди. Айрим ёш бастакорларимиз миллийликни секин-аста йўқота бошлашди. Иккинчидан, миллий театримиз ҳам рус ва чет эл мусиқа асарларига кўп мурожаат қиладиган бўлиб қолишди. Ҳозир Мутал Бурхонов, Икром Акбаров, Сайфи Жалил, Сулаймон Юдаков, Матниёз Юсупов, Султон Ҳайитбоев каби таниқли ижодкорлар миллийликка алоҳида эътибор беришяпти.

— Эшитишимизча бир гуруҳ бастакорлар ва санъаткорлар мамлакатимиз пойтахти Москвада ҳамда Наманган вилоятида бўлишган экан. У ерларда бир неча концерт ва учрашувлар уюштиришибди. Сафардан қандай таассуротлар олиб қайтдинглар!

— Москвада бўлганимизда Бутуниттифоқ «Ойнаи жаҳон»и орқали бир неча чиқишлар қилдик. Бастакорлар уюшмаси бошқаруви уйида концертлар бердик. Концертларда Элдор Азимов раҳбарлигидаги Ўзбекистон телевидениеси камер чолғу оркестри қатнашди. Ўлмас Расулов етакчилигидаги Тошкент Давлат консерваторияси мақомчилар ансамблининг хушовоз хонандаларининг дилрабо қўшиқлари кўпчиликка манзур бўлди. Навоий номидаги опера ва балет театрининг Ҳ. Абдуқодиров, М. Юнусова каби санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Сўнг ижодий учрашувлар бўлиб ўтди. Учрашувларда бастакорларимиздан Сайфи Жалил, Мустафо Бафоев, Мирсодиқ Тожиев, Эдуард Қаландаров ва Султон Ҳайитбоевлар бўлишди.

Наманганда вилоятнинг деярли ҳамма районларида бўлдик.

— Ёш бастакорларга эътибор, уларни уюшмага аъзо қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ҳозир уюшмамизга 107 нафар киши аъзо. Шулардан 33 таси мусиқашунос, 74 таси бастакордир. Охирги бир ярим йил ичида яна ўн нафар бастакорни аъзоликка қабул қилдик. Яна 12 киши уюшма аъзоси бўлиш истагини билдириб ариза беришган.

Энди ёшларга келсак. Уюшмамиз қошида ёшлар кенгаши тузилган. Унга Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг соҳиби, СССР бастакорлар уюшмасининг аъзоси Аваз Мансуров раҳбарлик қилмоқда.

Ёшларимиз орасида истеъдодлилари анчагина. Биз бундан хурсандмиз. Улар бизнинг келажагимиз. Айниқса Анвар Эргашев, Нуриддин Ғиёсов, Дилбар Омонқулова, Дилором Қодирова ҳамда Алишер Расулев каби бастакорлар, Сойиб Бегматов, Оқил Иброҳимов ва Умида Авлонова сингари ёш мусиқашунослар санъатимиз ривожига муносиб улуш қўшишяпти. Улардан умид катта.

— Уюшма олдида турган муаммолар нималардан иборат!

—Муаммоларимиздан бири, айрим бастакорларимизда миллийлик маҳорати етишмайди. Кейинги пайтларда улар қўшиқ жанрига камроқ эътибор беришаяпти. Кўп ёшларимиз симфония билан шуғулланишяпти. Шунинг учун ижодлари кўпинча бир томонлама бўлиб қолаяпти.

Иккинчиси, ўзбек бастакорларининг янги асарлари етарли даражада тарғиб қилинмайди. Шунинг учун ҳам муваффақиятли чиққан асарларнинг аксарияти мухлислар қалбига ҳалигача етиб бормаган. Яқинда шу муносабат билан Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети ҳамда Ўзбекистон филармонияси раҳбарлари билан давра суҳбати ўтказдик. Суҳбатда бир-биримизнинг камчилик ва нуқсонларимизни очиб ташладик. Уларни биргаликда ечиш йўлларини келишиб олдик.

Суҳбатни Ғулом ЮСУПОВ ёзиб олди.

Ижодий уюшмаларда

МУСИҚА—ДИЛИЖОН БЎЛСА...

НАЙ НАВОСИ



ЁШЛИГИДАН мусиқа санъатига жуда ҳам қизиққан, айниқса найнинг сеҳрли овозига мафтун бўлган Мирза Тоиров Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳаким Нишонов ансамблига қатнашиб, бу ерда най чалиш сирларини ўрганди. Мана шунга ҳам кўп йиллар бўлди. Эндиликда унинг ўзи мураббий-устоз, 1956 йили Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолғу асбоблари факультетини най класси бўйича аъло баҳоларга тугаллаган М. Тоиров 1957 йилдан бошлаб то ҳанузга қадар шу мусиқа даргоҳида ишлаб келяпти. Мана 40 йилдирки, унинг ижрочилик фаолияти Тўхтасин Жалилов номли Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри билан чамбарчас боғлиқ. У халқ чолғу асбоблари оркестри билан Иттифоқимиз бўйлаб ўтган гастроль сафарларида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Унинг ижрочилик фаолиятига хорижий элларнинг томошабинлари ҳам қарсаклар чалишган. У концерт бригадалари билан Сурия, Ливан, Венгрия, Польша, Германия Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа жойларда ўз маҳоратини намойиш этган.

М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси халқ чолғу асбоблари ижрочилик кафедрасининг профессори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, кўпгина ёшларнинг меҳрибон мураббийси Мирза Тоиров халқ хизматига камарбаста бўлган созандадир. У ўзининг касб маҳоратини шу кунларда ҳам ёшларга сидқидиллик билан ўргатмоқда.

Шуҳрат ЗИЕЕВ,
М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг ўқитувчиси, республика созандалар танловининг нишондори.

⊙ СУРАТДА: профессор Мирза Тоиров най чалиш сирларини ўргатмоқда.

Х. Мирзакаримов сурати.

«ҚОМУС» ДЎКОНИ

⊙ Ҳозирги замон ўзбек фани, маданияти ва маънавий камолатга доир адабиётларни тарғиб қилиш йўлида кўрилаётган тадбирлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Шаҳримизда ихтисослашган «Қомус» китоб дўконининг очилиши бу борада қилинган навбатдаги энг яхши ишлардан бири бўлди.

Янги даргоҳда асосан ўзбек совет қомуси бош таҳририяти чоп этаётган илмий ва оммабоп китоблар билан савдо қилинади. Шу сабабли бу редакция кўплаб китобхонларни қизиқтираётган турли адабиётларни чоп этишни режалаштириб қўйди. Қомусий кўринишдаги атамалар луғатлари ва справочниклар ҳам савдога кўплаб чиқарилади. Ўзбек тилида иш юритишга доир чоп этиладиган пашрлар ҳам мутахассисларга етказиб берилади.

Шуниси эътиборга лойиқки, «Қомус» китоб дўкони кенг китобхонларнинг ўзаро мулоқот марказига ҳам айланади. Ўзбекистон тарихини ўрганишга қаратилган китобхонлар клубини очиш ҳам кўзда тутилди.

Малика ҚОДИРОВА.

Назм дафтаридан

ОЙДИН КЕЧА

Ойдин кеча. Япроқ денгизи
Тўлқинида сузади шамол.
Ой-ошиқнинг тушдаги қизи,
У севгидай мангу, безавол.
Сочидан юлдузлар нури
Япроқларнинг нозик танига.
Дарахтларнинг тутиб ғурури.
Ойни чорлаб турар ёнига.
Сув остида кемалар каби
Уйлар сузиб боришар гўё,
Ухлаганда одамлар қалби
Ғафлатга ғарқ бўлмасми дунё!?
Танбаланган эшикни очиб,
Ташланаман хаёлан ойга.
Юлдузларга сиримни сочиб,
Қалб ураман куйловчи сойга...
Дард айтаман ҳар бир япроққа,
Дарахтларга тикиламан шод.
Тин бермасман асло юракка,
Тонг! Бошланар қуёшли ҳаёт.

ОДАМЛАР ВА БУРГУТЛАР

Сизни мадҳ этишар, мағрур бургутлар.
Шараф бўлсин сизга, жасур бургутлар.
Аммо дон беришар паррандаларга,
Тўқ яшашсин улар ҳеч бўлмаганда,
Ўзга бир умиди йўқ-ку жаҳонда.
Майли жами кўшга тайёр дон бўлсин.
Бургутлар зотига эса шон бўлсин.
Шуҳрату шарафдир сизнинг ризқингиз,
Ахир сиз шиддаткор бўлиб ўсдингиз.
Жасур фарзандларга менгзар халойиқ,
Сизнинг ҳаётингиз мақтовга лойиқ!

УМИД БИЛАН

Ҳайвонот боғида яккаю ялғиз
Сафарни соғиниб турган эй туя.
Мен сенинг дардингни дилдан қилдим ҳис,
Узоқ ўтмишингни эслайсанми ё?
Умид билан боқиб, мистарсан фақат,
Истайсан ёнингга қўшилса карвон.
Ғойибдан келибми, қилибми шафқат,
Етаклаб кетсайди биронта сарбон.

Қамбар ЎТАЕВ.

«РИВОЯТ»НИНГ ЮТУҒИ

⊙ Ҳозир шаҳримиздаги қатор техникум ва билим юртларида фольклор ансамбллари жўшқин фаолият кўрсатмоқда. Тошкент технология, ҳисоб-бухгалтерия техникумларида тузилган бундай бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳам ўз ижрочилик маҳоратларини ўстириб, томошабинлар ҳурматини қозониб келмоқдалар.

Шу йилнинг ўзида Тошкент технология техникумининг «Ривоят» ансамбли ўзбек халқ ашула ва рақсларидан иборат янги концерт муваффақият қозонди. Юқори ижрочилик маҳорати учун «Ривоят» ансамбли бу ижодий беллашувда биринчи ўринни қўлга киритди.

Тошкент ҳисоб-бухгалтерия техникуми фольклор ансамбли ҳам ғолиб бадиий ҳаваскорлик жамоаларидан бири деб топилди.

Саодат ОДИЛОВА.



ҚОЙИЛ ҚОЛИШДИ

⊙ Н. Островский номидаги шаҳар пионер ва ўқувчилар саройида бўлиб ўтган болалар бадиий ижоди кўргазмаси кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди.

Ушбу кўргазмага шаҳримиз районларидаги пионерлар уйларидаги тўгаракларда ва Н. Островский номидаги шаҳар пионер ва ўқувчилар саройидаги тўгаракларда қатнашадиган болаларнинг энг яхши ижод намуналари қўйилган эди. Дарҳақиқат, бу намуналарни кўрган ҳар бир киши уларнинг сополдан тайёрлаган буюмларига, ёғоч ва ганч ўймакорлиги буюмларига қойил қолдилар. М. Булатов ва А. Абдуҳошимовлар олтинчи синфда ўқишади. Лекин уларнинг яратган ижод намуналари ҳамманинг ҳавасини келтиради.

Кўргазмага ташриф буюрганлар орасида бадиий буюмлар фабрикасининг вакиллари ҳам бор эди. Улар Островский номли шаҳар пионер ва ўқувчилар саройи билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолаганлар. Кулол ва чинни буюмлари заводларининг, турли ижодий бирлашмаларининг вакиллари ҳам болалар бадиий ижоди намуналарига яхши баҳо бердилар.

⊙ СУРАТЛАРДА: кўргазмага намойиш учун қўйилган болалар ижодидан намуналар.

Р. Шарипов суратлари.



«ОТА, отажоним!..» — Шуҳрат ўз овозидан бирдан уйғониб кетди... Хаёли ўзига келиб, ўйланиб ётди. Ё товба, тушида отасини кўраётган экан. Вужудини аллақандай ҳис чулғаб олди. Марҳумнинг энгил-бошини кўтариб турган оқ халатли хушрўйгина ҳамшира Шуҳратга:

— Олинг, кийимларини олинг, отангиз энди киймайдилар, — деяётган эмиш.

...Шуҳрат ишдан келганида отаси уйда неваралари билан «ойнаи жаҳон»га тикилиб ўтирган экан. Салом берди. Ота илиққина алик олди, «Ке, чой ич», — деди ўғлига интиқиб. Шуҳрат отасининг олдида бир оз ўтирган эди, падари ўзини ёмон ҳис қила бошлади, нафас олиши тезлашди, чап кўкрагини панжаси билан чангаллади...

«Дадамда яна инфаркт!» — хаёлидан кечди Шуҳратнинг. Ўрнидан тура «Тез ёрдам»га сим қоққани югурди. Кейин қайтиб отасининг олдига кирди.

— Ўлим ҳақ, болам, — деди отаси бемажол. — Ёшимни яшадим. Оламдан ўтсам гўрков билан ювғучини рози қил.

ҚИЁМАТ ҚАРЗ

(Шингил ҳикоя)

— Нималар деяпсиз ота? Қўйсангизчи...

Кўп ўтмай етиб келган «Тез ёрдам» отасини олиб кетди... Кўз ўнгида яна ҳамшира жонланди... Мана-ўша воқеага ҳам бир ой бўлиб қолибди.

Шуҳрат ўрнидан турди, кийиниб ташқарига чиқди. Юзқўлини ювгач эшик ёнидаги айвончага бориб ўтирди. Хотини дастурхонга чой келтирган ҳам эдики, кўча эшик тақиллади. Ўрнидан туриб борди. Эшик олдида бир кекса киши турарди. Салом бериб ичкарига таклиф қилди. Ўтириб фотиҳа ўқилгач чол келишдан мақсадини айтди.

— Узр болам, отангизнинг вафот этганини кечагина эшитдим. Ўзим ҳам касалхонада эдим.

Шуҳрат отага қаради. Чеҳраси таниш кўринса-да қачон ва қаерда кўрганини аввалига эсолмади. Кейин ёдига тушди. Икки йилча бурун ишга шошиб турганида эшикдан шу чол кириб келганди, отасининг фронтдош дўсти эканини билдириб йўқлаб келганини айтди. Шуҳрат чолни у кишини отаси ўтирган хонагача кузатгач узр айтиб ишига кетганди.

Чолнинг томоқ қириб йўталишидан Шуҳрат сергакланди. Чойини янгилади. Меҳмон чойни бир-бир хўплаб аста сўз бошлади:

— Отангиздан бироз қарзим бор эди, ўғлим, шуни олиб келдим, — дея унинг олдига бир тугунча қўйди.

Шуҳрат ҳайрон бўлиб қолди. «Отам раҳматли менга фалончи қарз, деб ҳеч айтмагандилар».

— Ҳайрон бўлманг ўғлим, — деди чол унинг кўнглидан ўтган фикрни сезиб. — Отангиз санаб берган пул бу. Уч йилча бурун олгандим. Бўйнимдаги қиёмат қарз эди. Минг шукурки, кеч бўлса ҳам ўз қўлим билан топширяпман.

Ушанда ўғил-қиз вояга етиб, ҳовли-жойимиз торлик қилиб қолди. Катта ўғлимга жой қидириб юрганимда, қўшни маҳалладан бир ҳовли сотилаётганини эшитиб бордим. Эгаси сўраган пул қўлимизда йўқ. Роса ялиниб савдолашдим, бўлмади. Начора, қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам олиб бериш керак. Жуда тиқилиб қолганмиз. Унинг устига йиғиб юрган нафақа пулларимни, укаларини-кини ўртага қўйдик. Барибир анчагина етмади. Қўни-қўшнидан қарз кўтардим, яна етмади. Яна кимдан олсам экан деб бошим қотиб турганиди беихтиёр отангизни эсладим. Урушнинг даҳшатли йилларида «Ўлмасак дўст бўламиз, яхши-ёмон кунимизда бирга бўламиз», деб аҳд қилгандик. Толеимизга омон қолдик. Ҳар йили Ғалаба байрамида учрашардик, эсласангиз уйланганингизда ҳам келгандим. Хуллас, бош эгиб бу ерга келдим. Раҳматли «Шошилма, топганингда берарсан», деди. Қўшнилардан олган пулдан қутулиб, отангиз омонатини эндигина тахтлаб қўйганимда дардга чалиниб қолдим...

Кўкрагимда бир армон қолди, болам. Энди у ўзим билан бирга кетади. Не-не машаққатларни бирга кўриб, дўстимнинг сўнгги кунларида ёнида бўлолмадим.

Чол ёшли кўзларини рўмолчаси билан артди. «Майли, ўғлим, яна келаман», деб дастурхонга фотиҳа ўқиди. Сўнг қўлига тираниб аста ўрнидан турди. Шуҳрат меҳмонни кузатиб дастурхон олдига қайтди. Кўзи кўрпачадаги тугунчага тушди. Беихтиёр кўз ўнгида отаси қайта жонланди...

Шуҳратнинг ҳам кўзлари ғилт-ғилт ёшга тўлди...

Исроил ҒИЕСОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ 1-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА 8-10 СИНФЛАРНИ БИТИРГАН ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА УНИНГ АТРОФИДА ЯШОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юрти темир йўл транспорти учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди: тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, пассажир вагони проводниги (қизлар), контакт тармоқлари электромонтёри (10-синфни тугатганлар).

Ўқиш муддати — бир йил;

Тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, контакт тармоқлари электромонтёри, токарь, электр-газ пайвандчиси, автослесарь (8-синфни тугатганлар),

Ўқиш муддати — уч йил.

Уч йиллик ўқишга қабул қилинганлар текин овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Уларга база корхонасида ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади. 8-синфни битириб ўқишга кирганлар танлаган ихтисосини эгаллаш билан бир қаторда ўрта маълумот олишни ҳам давом эттирадилар. Ўқув курсини тугатганларидан сўнг уларга эгаллаган ихтисосига кўра ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Ўқиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Аълочилар олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма оладилар.

Билим юрти ётоқхона, спорт комплексига эга, техника ижодкорлиги ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Билим юртини тугатганлар темир йўл транспорти ходимларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, шу жумладан бир йилда бир маротаба Совет Иттифоқининг истаган ерига текинга бориб келишлари мумкин.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: паспорт (ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома), маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, характеристика, ариза, 8 та фотосурат (3х4), эмланганлиги ҳақида мактабдан справка.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси (3, 23-трамвайларнинг «М. Ашрафий кўчаси» бекати).

Телефонлар: 96-08-42, 96-04-72.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

«Главташкентстрой»нинг ЭКОБД ва 8-трести базасидаги

5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-91 ўқув йилига

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қурувчи-дурадгорлар, бўёқчилар (қурилиш бўйича), **электр-пайвандчи усталар, кошинкор-плитачи-мозанкачилар, ғишт терувчилар, слесарь сантехник, қурилиш машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, электрчилар.**

Ўқиш муддати 6 ой ва 10 ой бўлган группаларга 11-синфни тамомлаган ва Совет Армияси сафидан қайтганлар қабул қилинади. 9-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 3 йил.

Битирувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фоизи берилади, 6 ойлик ва 1 йиллик группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар ойда 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.

Ўқишни тугатганлар «Главташкентстрой»га ишга юборилади ва ётоқхона билан таъминланадилар. Армия сафидан келганлар доимий шаҳар рўйхатига қўйилади ва навбат бўйича турар жой билан таъминланадилар.

Қурувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (086/У), 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Билим юрти маскани: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй, 1-трамвай; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати. Телефонлар 91-26-47, 96-29-50.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТАШЭКС БИРЛАШМАСИ

малакали ишчи-кадрлар тайёрловчи

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 3 йил):

кенг профилдаги станокчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, токарь, электр-газ пайвандчиси, кўприкли кранларнинг машинисти, механика-йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

11-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 1 йил):

кенг профилдаги станокчи, электр-газ пайвандчи, ремонт ишлари слесари, йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга бепул кўчалик ва ишчи кийимлари ва 2 маҳал иссиқ овқат, 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар эса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Махсус группа ўқувчилари практикасини ва кейинчалик армия хизматини Ўзбекистонда, ТуркВО қўмондонлигининг авторемонт корхона ва ҳарбий қисмларида ўтайдилар.

Билим юрти аълочилари имтиёзли шартлар асосида олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ДОСААФнинг автомобиль курсларига йўлланма берилади ва автомобиль транспорти «С» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси оладилар.

Билим юртида вокаль-чолғу ансамбли ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқув кабинетлари видеомагнитофон қурилмалари ва бошқа замонавий талаб асосида жиҳозланган қурилмаларга эга.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09.

Транспорт: 4, 5, 24-троллейбусларнинг «СПТУ-17»: 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари.



Мана, серқуёш Италиянинг яшил майдонларида навбатдаги XIV жаҳон биринчилигининг финал турнири ўйинлари бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Унда мамлакатимиз чарм тўп усталари ҳам иштирок этадилар. Жаҳон биринчиликлари финал турнирларининг барча ўйинлари футбол тарихига олтин ҳарфлар билан битилган. Зеро, жуда кўп футболчилар ушбу турнирда бир мартагина бўлса ҳам қатнашишни ўзлари учун катта шараф деб биладилар. Футбол осмонида чақнаган янги чарм тўп юлдузлари ҳам асосан жаҳон биринчилиги ўйинларида синовдан ўтиб ё шуҳрат чўққисига янада баландроқ кўтариладилар ва бутун жаҳон уларни олқишлайди ёки футбол олами уларни унутади. Яъни, жаҳон биринчилиги — бу буюк футбол юлдузларининг бетакрор баҳси ҳамдирки, бундан курраи заминимизнинг миллиард-миллиард аҳолиси баҳраманд бўлади. Шу жиҳатдан олганда азиз оқшомхонларимизга навбатдаги биринчилик арафасида жаҳон биринчиликлари тарихи ва унда мамлакатимиз футболчиларининг қатнашуви ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.

1928 йилда ФИФА (Халқаро Футбол Федерацияси) ўзининг 25 йиллик тўйини нишонлаган эди. Бу даврга келиб 1924 ва 1928 йилги Олимпиадаларда ғалаба қозонган, «Тўп сеҳргарлари» номини олган Уругвай футболчилари ўзларининг деярли цирк санъати даражасига кўтарилган, юксак техникага асосланган ўйинлари билан бутун жаҳон олқишига сазовор бўлган эдилар. Бироқ уругвайликларни жаҳоннинг энг кучли футболчилари деб ҳисобламасликка жиддий бир сабаб бор эдики, ўша вақтда ҳам уста ўйинчилар бўлиб, уларнинг олимпиада ўйинларида қатнашишлари тақиқланарди. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб олимпиадалар ўтмайдиган ҳар 4 йилда бир марта уста ва ҳаваскорлар иштирокида яна бир турнир ўтказиш фикри туғилади. Айнан шу вақтда уругвайликлар 1930 йилда 1 жаҳон биринчилигининг финал ўйинларини ўз яшил майдонларида ўтказиш ниятини билдирадилар. Бу аввало у ерда халқ футболни бениҳоя севганидан бўлса, иккинчидан ушбу тадбир Испания мустамлакасидан қутулиб озодликка чиққанларининг 100 йиллигига бағишланган байрамнинг якунловчи қисми ҳам бўлар эди. Таъкидлаб ўтиш жоиз, бу тадбирни бошлашда ўша вақтдаги ФИФА президенти француз Жюль Римэнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Шу сабабдан дастлаб ушбу турнир «Жаҳон Кубоги», сўнг «Жюль Римэ Кубоги», кейин эса «Жаҳон Кубоги — Жюль Римэ Кубоги» ва ниҳоят 1970 йилда бразилияликлар учинчи ва охирги марта Кубок соҳиби бўлгунларига қадар «Жаҳон биринчилиги — Жюль Римэ Кубоги» деб номланиб келган. Ғолиб командага бериладиган Кубокка эса греклардаги афсонавий ғалаба маъбудаси Никенинг тасвири туширилган бўлиб «Олтин маъбуда» номи билан аталади. Ушбу Кубок ФИФА буюртмаси билан 1928 йилда парижлик машҳур заргар А. Лефлер томонидан 1.800 граммлик соф олтиндан бунёд этилган.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

БИРИНЧИ жаҳон биринчилигининг финал турнирида 13 мамлакат терма командаси қатнашиш истагини билдирди ва уларнинг ҳаммаси саралаш ўйинларисиз йўлланма олди. Улар қуйидагилар: Аргентина, Чили, Мексика, Бразилия, Боливия, Перу, АҚШ, Парагвай, Уругвай, Франция, Югославия, Бельгия, Руминия. Финалга ўша пайтда энг кучли Уругвай ва Аргентина командалари чиққан. Ушбу ўйин ўз вақтида жаҳонда энг катта ҳисобланган Монтевидеодаги «Сентенарио» стадионида ўтказилган бўлиб, унга 70 минг ишқибоз тушган. Ўйиннинг биринчи бўлими аргентиналиклар фойдасига 2:1 ҳисобида якунланган бўлсада, финал ҳуштаги чалинганида ҳисоб 4:2 бўлиб, уруғвайлик футболчилар ғалаба қозонганлар. Биринчи жаҳон чемпионларининг номлари билан танишинг: Бельестерос, Назацци (капитан), Масчерони, Андраде, Фернандес, Гестидо, Доредо, Скароне, Кастро, Сеа, Ириарте.

5 ўйинда 8 марта рақиб дарвозасини ишғол этган аргентиналик ҳужумчи Стабиле биринчиликнинг энг сермаҳсул ҳужумчиси бўлди.

БУЮК ДАРВОЗАБОНЛАР БАҲСИ

ИККИНЧИ жаҳон биринчилигини Италияда ўтказишга қарор қилинди. Биринчиликда иштирок этиш истагини 31 мамлакат билдирди. Лекин финал турнирида 16 команда қатнашиши рисолага мувофиқ ҳисобланганлиги учун саралаш ўйинларини ўтказишга тўғри келди. Жуда қисқа муддатда ўтган саралаш ўйинларидан сўнг Швеция, Италия, Бразилия, Аргентина, Чехословакия, Испания, АҚШ, Руминия, Австрия, Германия, Бельгия, Швейцария, Венгрия, Голландия, Миср ва Франция терма командалари жаҳон биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Уругвайликлар аввалги биринчиликда етакчи Европа терма командалари Уругвайга келмаганлари учун II Жаҳон биринчилигида қатнашишдан бош тортдилар. Уша пайтда Германия ва Италия ҳокимиятлари тепасида Гитлер ва Муссолини каби фашистик режимнинг тарафдорлари турар эдилар. Уларнинг мақсадлари бугун футбол бўйича, кейинроқ эса куч билан жаҳонни забт этиш эди. Аммо ярим финалда германияликлар матонатли Чехословакия чарм тўп усталари билан учрашувда 3:1 ҳисобида мағлуб бўлдилар. Ўйин тақдирини асосан икки чех футболчиси — уч тўп киритган ҳужумчи Неедли ва дарвозабон Планичкалар ҳал қилгандилар.

Италия билан Австрия командалари иштирокида ўтган иккинчи ярим финал ўйинини футбол ишқибозлари катта қизиқиш билан кузатдилар. Чунки 30-йилларнинг бошларидан жуда кучли ўйнай бошлаган Австрия терма командасини «Вундертим» (мўъжизакор команда) деб атардилар. Ҳақиқатан ҳам уларнинг таркибида Сеста, Бицан, Синделар, Смистик каби улкан футбол юлдузлари бор эди. Команда йўлбошчиси марказий ҳужумчи Синделарни эса ажойиб маҳорати туфайли «Футбол Моцарти» номи билан атардилар. Бироқ кескин ва муросасиз ўтган учрашувда Италия футболчилари 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Финал ўйинида Чехословакия ва Италия терма командалари беллашдилар. Деярли тенг ўтган ушбу ўйинда фақат қўшимча вақтдагина 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган италиялик футболчилар «Олтин маъбуда»ни қўлга киритиш шарафига муяссар бўлдилар.

Ушбу биринчиликда охирги марта 2 ҳимоячи, 3 ярим ҳимоячи ва 5 ҳужумчидан иборат классик услуб қўлланилди. Умуман олганда, II жаҳон биринчилиги футбол тарихидан дарвозабонлар биринчилиги сифатида ўрин олди. Чунки унда чех Планичка, испан Замора, австриялик Платцер, итальян Комби каби буюк дарвозабонлар зўр маҳорат билан ўйнадилар.

Энди жаҳон чемпионларининг номлари билан танишинг: Комби (капитан), Монцеглио, Аллеманди, Феррарис IV, Монти, Бертолини, Гуаита, Меацца, Скиавио, Феррари, Орси.

Биринчиликда 4 тадан тўп киритган Скиавио (Италия), Неедли (Чехословакия) ва Конен (Германия)лар энг сермаҳсул ҳужумчи шарафига муяссар бўлдилар.

ИТАЛИЯ ФУТБОЛИ ЯНА ШОҲСУПАДА

1938 йил, яъни иккинчи жаҳон биринчилиги арафасида бутун Европа таҳлика остида эди. Германия Австрияни «ютиб» юбориб, Чехословакияга ҳам кўз олайтираётганди. Шу сабабдан Жюль Римэнинг таклифи билан биринчиликнинг финал турнирини ўтказиш бирмунча тинчроқ Францияга топширилди. Бу ерда биринчи марта ФИФАнинг қарори билан жаҳон чемпиони ва биринчиликни ўтказаётган мамлакат терма командаларига саралаш ўйинларисиз финал турнири баҳсларида қатнашиш ҳуқуқи берилди. Бу гал 35 терма команда жаҳон биринчилигида қатнашиш истагини билдирди. Бразилия, Куба ва Голландия Ҳиндистони (Индонезия) терма командалари эса рақиблари ўйинлардан бош тортганликлари учун ҳеч бир тўсиқларсиз финал турнирига йўлланма олдилар, Австрия эса Германияга қўшиб олингани учун ўз-ўзидан ўйиндан чиқди. Ҳуллас, Куба, Руминия, Швейцария, Германия, Чехословакия, Голландия, Франция, Бельгия, Венгрия, Индонезия, Бразилия, Польша, Италия, Норвегия ва Швеция терма командалари III жаҳон биринчилигида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Ушбу биринчиликда венгриялик футболчилар катта маҳорат билан ўйнадилар. Таркибида Шароши, Женгеллер, Тикош каби моҳир ҳужумчилар бўлган Венгрия командаси рақибларини кетма-кет йирик ҳисобларда енгиб осонгина финалга етиб келди.

Бразилия терма командаси эса ўзининг юксак техникага асосланган енгил ўйини билан футбол ишқибозларини лол этди. Командининг «юраги» «Қора ёқут» лақабини олган ҳужумчи Леонидас эди. Польша билан ўтказилган дастлабки ўйиндаёқ 4 тўп киритган (қўшимча вақтда майдонга ялангоёқ ҳолда тушиб ҳатто 2 тўп ҳам урган!) Леонидас жаҳон футболининг янги юлдузи сифатида тан олинди. Лекин Бразилия терма командасининг тренери катта хатога йўл қўйди. Италия билан бўлган ярим финал ўйинида Леонидасга бир оз дам бериш мақсадида уни майдонга туширмади, натижада тренернинг бутун режалари чиппакка чиқиб, бразилияликлар 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрайдилар. (у вақтларда ўйин давомида ўйинчилар алмаштиришмас эди. Шундай қилиб жаҳон чемпиони бўлишга даъвогар команда охир-оқибатда Швецияни 4:2 ҳисобида енгиб, 3-ўринни эгаллайди. Бироқ 4 ўйинда 8 тўп киритган Леонидас биринчиликнинг энг сермаҳсул ҳужумчиси номига сазовор бўлди.

Биринчиликда жаҳон чемпионлари — италиялик футболчилар ҳам муваффақиятли қатнашдилар. Улар Норвегияни 2:1, Францияни 3:1, Бразилияни 2:1 ҳисобида енгиб финалга чиқадилар. Париждаги «Коломбо» стадионида 59 минг ишқибоз шоҳидлигида ўтган финал ўйинида италияликлар Венгрия футболчиларини 4:2 ҳисобида енгиб иккинчи марта катта зафар қучдилар. Ғолибларнинг номлари билан танишинг: Оливейри, Фони, Рава, Серантони, Андреоло, Локателли, Биавати, Меацца (капитан), Пиола, Феррари, Колаусси.

ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЙДИЛАР

ТЎРТИНЧИ жаҳон биринчилигини II жаҳон урушидан кейин ўтказишга тўғри келди. Табиийки, бутунлай вайронага айланган Европа давлатлари уни ўтказишга қодир эмас эди. ФИФА конгрессининг мажлисида фақат Бразилия ва Аргентина номзодлари бор эди. Овозга қўйиш пайтида Бразилия делегациясининг аъзоси доктор Мачадо, биринчилик ўйинларига атаб, Рио-де-Жанейрода 200 минг кишилик стадион қуражакларини айтгач, масала узил-кесил ҳал бўлди. Бу гал 33 мамлакат командаси биринчиликда қатнашиш истагини билдирди. Ўзларини расмий равишда футболни вужудга келтирган мамлакат деб ҳисоблаб келаётган ва шу туфайли ҳатто жаҳон биринчиликларини ҳам тан олмаётган Англия футболчилари биринчи марта ушбу турнирда қатнашиш истагини билдирдилар. Аммо урушдан кейинги қийинчиликлар туфайли қатор мамлакатлар командалари қатнашишдан воз кечдилар. Охир-оқибатда финал турнирида қуйидаги 13 команда иштирок этадиган бўлди: Англия, Испания, Швеция, Швейцария, Югославия, Италия, Чили, АҚШ, Парагвай, Боливия, Уругвай, Мексика, Бразилия.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг спорт шарҳловчиси.

[Давоми бор].





⊙ СУРАТЛАРДА: 1974 йилги жаҳон биринчилигида донг тараттан «Учар голландиялик» Йоханн Крунфф (чапда); совет футболининг энг сермаҳсул ҳужумчиси Олег Блохин.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АБИТУРИЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СИГНАЛ» ШИРКАТИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШНИ ИСТАГАН ЁШЛАРНИ ЕЗДА ИМТИҲОНЛАРГА ТАЙЁРЛАШ МАШҒУЛОТЛАРИГА ЧОРЛАЙДИ.

«Сигнал» ширкати абитуриентларни пойтахтдаги Тошкент давлат дорилфунуни, Тошкент давлат педагогика институти, Тошкент автомобиль йўллари институти, Тошкент халқ хўжалиги институти, Тошкент политехника институти, Тошкент давлат тиббиёт институти, Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ва бошқа олий ўқув юртларига кириш учун конкурсли имтиҳонларга тайёрлайди.

Машғулотларни Тошкентдаги институтларнинг абитуриентларни олий ўқув юртларига тайёрлашда бой тажрибага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилари: фан номзодлари, доцентлар олиб боришади.

Машғулотлар ихтисослашган тарзда ва якка тартибда, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ширкат абитуриентлар тайёргарлигининг юқори сифатли бўлишига кафолат бериш билан бирга, абитуриентларни тайёрлаш даврида керакли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар, тавсиялар ва кўрсатмалар бериб боради.

Қўшимча равишда яна ёзма ва оғзаки конкурсли имтиҳонларни топширишга бағишланган долзарб мавзуларда маърузалар ҳам уюштирилади.

Қабул шартлари билан батафсилроқ танишиш учун қуйидаги қабул пунктларидан бирига мурожаат этишингиз мумкин:

1-пункт: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 105-уй. 1-қават, «Тошкент Совет савдоси» техникумининг ўқув биносида. (7, 24, 28-трамвайларнинг «Қон қуйиш институти» бекати).

Иш тартиби: ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача.

Дам олиш куни — душанба.

2-пункт: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Кинотехникум биноси, 1-қават, 8-хона. Телефон: 46-47-71.

Иш тартиби: сешанба, чоршанба, пайшанба, жума кунлари соат 12.00 дан 19.00 гача;

шанба, якшанба кунлари соат 10.00 дан 19.00 гача.

Дам олиш куни — душанба.

«СИГНАЛ» ШИРКАТИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлиги базасидаги
14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—1991 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчилар; кенг профилдаги станокчилар; слесарь-сантехник, газ пайвандчилар; технологик қурилмалар ва металл конструкциялари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар; автомобиллар ремонти бўйича слесарлар; электр-газ пайвандчилар ихтисоси билан бирга «В» ва «С» категориядаги автомобиль ҳайдовчилар.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой ва 3 йил.

3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражаси (разряди) берилади.

10 синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга ойига 30—76 сўмгача стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ
ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТРЕСТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: Директор номига ариза; туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт; маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси); яшаш жойидан справка; медицина справкаси; 6 дона фотосурат (3х4 см).

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700073, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй. (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекати; 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Қабул комиссияси. Телефон: 91-33-94.

ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш маркази томонидан хусусий шахслар ва кооперативлар билан тузилган шартнома асосида фуқароларни

ГОСКОМТРУД УССР

ВАҚТИНЧАЛИК ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ПУНКТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Пункт хусусий шахслар ва кооперативларда ишчи кучига бўлган эҳтиёжга буюртмаларни қабул қилади, тегишли ихтисослардаги ишчиларни танлаш бўйича хизмат кўрсатади, шаҳар аҳолиси ўртасида вақтинчалик ишга жойлашиш имкониятлари тўғрисида кенг ахборот ишларини олиб боради.

ПУНКТ Беруний кўчасида («Чорсу» меҳмонхонаси ортида) жойлашган бўлиб, соат 8.00 дан 14.00 гача ишлайди.

Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг
«ЕШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КОНТРОЛЁР-КАССИРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

4 ОЙЛИК КУРСЛАРИГА

навбатдаги қабулни ўтказади

25 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмидаги маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар айни пайтда кечки мактабда ёки савдо техникумларида ўқишлари ҳам мумкин.

Ўқишни битирганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва Совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароит яратиб берилади.

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 55-75-15.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

6 июнь соат 17.00 ва 20.00 да

Чимкентлик хушовоз хонанда
Ғиёс БОЙТОЕВ
ВА
«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиби
Мирза ХОЛМЕДОВ
иштирокида

Янги концерт программаси

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Касса соат 11.00 дан очиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони, 1)

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Ленинград, Москва, Ростов-Дон, Тошкент, Новосибирск шаҳарларининг етакчи артистларининг ЦИРК САНЪАТИ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛАДИ

Цирк санъатининг барча жанрлари бўйича икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.

«БУҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ» ғаройиб томошаси.

Бутун оқшом манежда масхарабозлар гуруҳи кўнглингизни ёзади.

Томошалар соат 19.00 да; шанба кунлари — соат 16 ва 19.00 да; якшанба кунлари — соат 12, 15 ва 18.00 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш ташкил қилинган.
Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20 гача ишлайди.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/V да **М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг қошидаги опера студиясининг спектакли, Гофман эртаклари,** 31/V да **Жизель.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА 28/V да **Гул ва Наврўз,** 30/V да **Кампир кетармиш,** 31/V да **Мушкул савдо.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/V да **Наҳанг ва панама,** 31/V да **Келинлар қўзғолони.**

КИНО

28 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ОДАМ» (17, 19, 20.45).

Восток — «ҲАҚҒУЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (21.00).

Фестиваль (ёзги) — «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (17), «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ГУГА» (17, 20.00).

К. Ёрматов номли — «ҲАҚҒУЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (тоқ соатларда).

29, 30, 31 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «СИТОРА» (11), «ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ ОДАМ» (13.30, 15, 17, 19, 20.45).

Восток — «ҲАҚҒУЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Фестиваль (ёзги) — «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (11, 14, 17); «МЕНИНГ ЭРИМ — ЎЗГА САЙЁРАЛИК» (20, 21.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ГУГА» (11, 14, 17, 20.00).

К. Ёрматов номли — «ҲАҚҒУЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (тоқ соатларда).

Тошкент шаҳар, 129-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан **Исмоилова Дилором Юлдашевна** номига берилган 523612 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, 166-ўрта мактаб томонидан **Исакова Эльмира Касимовна** номига берилган Д-790258 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 39-ўрта мактаб томонидан **Шарипов Ибрагим** номига берилган Д-650982 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ПАССАЖИРЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Автотранспорт вазирлиги Тошкент шаҳар пассажир транспортининг **2-АВТОКОМБИНАТИ** қуйидаги телефон номерлари ўзгарганлигини ХАБАР ҚИЛАДИ:

Қабулхона — 72.89.03.
Такси эксплуатацияси бўлими — 72.89.47.
Навбатчи машиналар эксплуатацияси бўлими — 72.89.05.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА МЕДИЦИНА ТЕХНИКУМИ 29 МАЙ КУНИ СОАТ 10.00 ДАН 14.00 ГАЧА
техникумга киришни хоҳловчилар учун
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Мурожаат учун қўнғироқ: 700107, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 16-уй (34, 20, 54, 70, 80-автобуслар, 7, 16, 19-троллейбусларнинг «Узминздравнинг клиник шифохонаси» бекати).

ИЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

София шоҳкўчаси бўйлаб иссиқлик магистрали қурилиши муносабати билан 28 МАЙДАН 25 ОКТЯБРГАЧА

56, 88, 85 «э» йўналишларидаги автобуслар ҳаракати София кўчасидан бошлаб ҳар икки йўналишда: Энгельс, Муртазоев кўчалари, Ленин шоҳкўчаси бўйлаб ва ундан у ёғига ўз йўлида давом этади; 10 «э» автобуси ва 14, 19-микроавтобус йўналишлари София кўчасидан бошлаб ҳар икки йўналишда: У. Юсупов, А. Қодирий кўчалари бўйлаб ва ундан у ёғига ўз йўлида давом этади.

24-троллейбус йўналиши вақтинча беркилади.

Барча турдаги шаҳар транспорт ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.

Тошкент шаҳар, Ҳамза райони 3-кечки ўрта мактаб томонидан **Қўргонбоева Озода Турғуновна** номига берилган 830522 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Октябрь район озиқ-овқат савдо ташкилоти коллективи 22-дўкон I-даражали сотувчиси

Ортиқ Акромовна АСАДОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзхимфарм» кимё-фармацевтика ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси завод хизматчиси Н. Эшонбековга турмуш ўртоғи

Ҳилола ШОКИРОВА

ва ўғли

КОЗИМБЕКнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горисма Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03256.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.